Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 2 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 44 (7137)

Da`vat

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Юнус Ражабий номидаги Республика мақом ижрочилари танлови якунларига кўра Тошкент Давлат консерваториясидан Комил Мўминов, Фарғона мусиқа билим юртидан Мирзоҳид Аъзамов, Тошкент Давлат консерваториясидан Зебохон Юсупова, Бухоро мусиқа билим юртидан Малоҳат Раҳматова, Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти чолғучилар ансамбли, Тошкент Давлат консерваторияси созандалар ансамбли танловнинг 1 даражали дипломи билан тақдирландилар.

Jarayon



ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР БОШЛАНДИ



Илм масканларида сўнгги қўнғироқ жаранглаганига кўп бўлгани йўқ. Қувончли, шу билан бирга хийла хавотирли лаҳзалар ҳаяжони ҳали сўниб улгурганича йўқ. Очиғи, севимли устоз, қадрдон мактаб билан хайрлашиш они ҳар бир ўғил-қизни ҳадиксиратиши, уларнинг юрагини бир муддат орзиқтириши табиий. Биз сўнгги қўнғироқ кунларида ўғил-қизлар ҳаяжони ота-оналарга ҳам ўтганини пайқадик. Улар «Умр шунчалик тез ўтарканми?», «Кечагина мактабга боришувди, дарров катта бўлиб қолишибди-я», «Наҳотки, улар мустақил ҳаёт бўсағасида!» дея ҳайратланишди.

Кутилмаган ва ҳайратли саволларни тасаввурига жойлашга улгурмаёқ умумтаълим муассасаларида битирув имтиҳонлари бошланиб кетди. Умумий ўрта таълим муассасалари, шу жумладан, янги турдаги ўқув муассасалари, мактаб интернатлари, кечки (навбатли) умумий таълим мактаблари, катталар таълим марказлари битирувчиларининг билими ва кўникмаларини якуний аттестациядан ўтказиш белгиланган муддатларда амалга оширилянти.

Куни кеча таянч ва ўрта мактаблар ўқувчилари математика, она тили ва адабиёт фанларидан имтиҳонлар топширишиб, устозлари кўригидан яна бир бор ўтдилар.

Албатта, имтиҳон саволларига жавоб топиш учун анча меҳнат қилишга тўғри келди. Хусусан, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 310- мактаб-лицейининг 11- синф битирувчилари имтиҳонлари, айтиш жоизки, жуда мураккаб бўлди. Чунки шу куни ўқувчилар билан бирга устозлар ҳам синовдан ўтишди.

МУХБИРИМИЗ

Суратларда:

1. Мактаб раҳбари Ю.Низомова, ўқитувчилар Х.Тоҳирова ва Р.Яҳёевалар имтиҳон жараёнини кузатиб боришаяпти.
2. Илм масканининг 11-«Е» синф ўқувчилари билим ва кўникмалари компьютерларда синалаётир.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги Фармонини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури концепцияси ва уни амалга оширишга доир тадбирлар маъқуллансин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, спорт федерациялари, клублари, жамиятлари, ҳомийлар, хорижий инвесторлар маблағлари, шунингдек, спорт ташкилотлари томонидан аҳолига пулли хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбалари ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари билан биргаликда бир ой муддатда:

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқсинлар;

ҳар бир туманда қишлоқ спорт-соғломлаштириш клублари ташкил этсинлар, уларнинг фаолиятига спортнинг оммавий миллий турларини ва халқ ўйинларини кенг жорий қилсинлар;

аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва оммавий-спорт ишларига кенг жалб этишга йўналтирилган мунтазам оммавий-спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш тизимини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

мамлакат ҳудудидаги барча мавжуд спорт иншоотларини, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, хатловдан ўтказсинлар, шунингдек, минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, оммавий мусобақаларни мунтазам ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар;

аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи махсус тестларни ишлаб чиқсинлар ва жорий қилсинлар. Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун уч даражали «Алпомиш» ва «Барчиной» нишонларини таъсис этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда, спорт-соғломлаштириш клублари тўғрисидаги намунавий низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, спорт-соғломлаштириш клублари, жамоат ташкилотлари сифатида, ўз фаолиятини муассисларнинг улуши маблағлари, аъзолик бадаллари, ҳомийлар маблағлари ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

бир ой муддатда Адлия вазирлиги билан биргаликда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда пойтахтда Республика боксни ривожлантириш марказини ташкил қилиш бўйича икки ой муддатда;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Тошкент отчопари негизида Республика миллий спорт турларини ривожлантириш марказини ташкил қилиш бўйича икки ой муддатда;

умумхалқ «Спорт байрами»ни таъсис этиш тўғрисида ўн кун муддатда таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурларида Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишга маблағлар лимитларини назарда тутсинлар.

6. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни, ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларининг спорт клублари, спорт мактаблари, мутахассислар ва мураббийлар фаолиятини ёритишни таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. С: Каромат ов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 27 май.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

ТАРИХ

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ: ЎТМИШДА ВА БУГУН

Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилган, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида асосий бўғин ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтиришдан иборатдир.

Касбга йўналтириш (касбга тайёрлаш) – шахснинг бўлғуси касбий фаолият субъекти сифатида ўзига нисбатан шакланиш жараёнини ўтайди, яъни келажакда бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашиб боради.

Инсоннинг билим, кўникма ва қобилиятларини ташхис қилиши билан боғлиқ касбга яроқлилик даражасини баҳолаш элементларининг пайдо бўлиш тарихи узоқ асрларга бориб тақалади.

Эрамизгача бўлган III минг йиллиқдаёқ қадимги Вавилонда мирзалар тайёрловчи мактабда битирувчилар синовдан ўтказиб борилган. Ўша даврлар билим даражасидан келиб чиқилганда касбий тайёргарлик кўрган мирза Месопотамия цивилизациясида марказий шахс бўлган: у майдонларни ўлчашни, мулкни бўлишни, мусиқа асбобларида ижро услубини ва ашула айтишни билган. Синов даврида унинг газламалар, металлар, ўсимликлар турларини билиши, шунингдек барча тўрт арифметик амалларни бажара олиш кўникмалари текшириб кўрилган.

Қадимий Мисрда эса, касбни эгаллашга даъвогарлар суҳбатдан ўтказилиб, унинг таржимаи ҳоли, билим савияси, ташқи кўриниши ҳамда суҳбатни олиб бориш қобилиятлари аниқланган. Сўнгра меҳнат қилиш, эшитиш, сукут сақлаш қобилиятлари олов, сув, ўлим билан қўрқитиш воситасида синаб кўрилган.

Айтилишича, синаб кўриш ва танловдан ўтказишнинг бундан жиддий тизимини ўтмишнинг буюк алломаси Пифагор ўз бошидан ўтказган. Ўқишдан сўнг Грециядан қайтгач, у ўзи босиб ўтган синовлар тизими асосида талабалар танлаб олинувчи мактаб очган. Пифагор интеллектуал қобилиятларга асосий эътиборни қаратган ва бадиий қилиб айтганда «ҳар қандай ёғочдан ҳам Меркурийни йўниб бўлмайди» деб ҳисоблаган. Шунингдек, у ёш инсонларнинг ўзини тутишига ҳам алоҳида эътиборни қаратган ва уни инсон характерида намоён бўлувчи асосий кўрсаткичлар деб санаган. Пифагор ўқитувчилар ва ота-оналар тавсияларига эътибор билан қараган, ҳар бир янги талабани синчиклаб кузатиб борган. Шундан сўнг уни ўз фикрини эркин ифодалашга ва суҳбатдошлар билан баҳслашишга ўргатган.

Эрамизгача бўлган III минг йилликда Хитойда ҳукумат амалдори касби ва мансаби кенг тарқалган. Мос равишда ушбу касбни танлашдаги дастлабки унсурлар ҳам шу ернинг ўзида юзага келган. Бундай касбни эгаллашга жазм этган ёшлар тантанаворлик руҳи билан суғорилган муҳитда давлат имтиҳонлари топширганлар. Имтиҳон саволларини кўпчилик ҳолатларда Император ўзи белгилаган, билимларни ҳам ўзи синовдан ўтказган ва даъвогарларни саралаш кўп босқичли усулда амалга оширилган.

(Давоми 2-бетда)

Tadbir

БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги 395-болалар боғчасида Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти мактабгача таълим бўлими ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни асосида мактабгача таълимни ташкил қилиш ва болаларни мактабга тайёрлаш» мавзуида шаҳар кенгаши бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари шўъбаларга бўлиниб, мактаб, боғча ва маҳаллалар қошида болаларни мактабга тайёрлаш борасидаги тажрибалар билан танишдилар. Жумладан, 432-болалар боғчаси услубчиси Гулнора Салимова «Боғча таълимнинг бошланғич бўғини», 185-мактаб илмий мудири Муяссар Мўминова «Келажак бугундан бошланади, бизнинг келажагимиз мактабда шаклланади», 47-болалар боғчаси тарбиячиси Озода Дадашева «Она билан бола, гул билан лола», Абдулла Набиев ҳамда Катта Қозиробод маҳаллаларида болалар боғчаларига қатнамайдиган болаларни мактабга тайёрлаш бўйича 194-болалар боғчаси тарбиячиси Холида Нормирзаева, Тошкент Давлат педагогика университети катта ўқитувчиси, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси Муяссар Нурматовалар «Бир болага етти маҳалла ота-она» мавзусида машғулотлар намойиш қилдилар.

Семинарда маҳалла қўмиталари раислари, фаоллари, ота-оналар ҳамда мактабгача таълимнинг мутасадди ходимлари қатнашиб, «Давра суҳбати»да ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Д. ХЎЖАЕВА

ВАТАН ҚУДРАТИДАН ҚАЛБДА ҒУРУР БОР

Яқинда Тошкент шаҳридаги Ижтимоий йўналишдаги махсус гимназияда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобини юқори синф ўқувчилари ўқиб-ўрганиб чиқдилар. Ўғил-қизлар ушбу китоб бўйича ўз таассуротларини, фикр ва хулосаларини қуйидагича баён қилишди.

Муҳаммадюнус ТЕШАБОЕВ, 10-«Б» синф ўқувчиси:

— Ҳали ёш бўлсам-да, ҳаётимда эсда қолувчи кунлар кўп бўлган. Булардан, энг асосийси, деб иккинчи синфда ўқиш бошлаган куним деб биламан, чунки бу кун, яъни 1991 йил 1 сентябрь, Она Ватанимиз — Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган эди.

Биз мустақилликка эришганимизда мен саккиз ёшда эдим. Мана, ҳозир эса мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида турибмиз. Аввал бошида мустақиллик бу дам олиш куни деб билган бўлсам, ҳозирда эса мен мустақиллик нима эканлиги тўғрисида кўп нарсаларни билиб олишга эришдим.

Булар:

— эркин бозор иқтисодига асосланган мустақил давлатда яшашимиз;

— мустақил давлатимиз буюк келажагига тўла ишончимиз;

— Мустақил Ўзбекистонимизни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан бутун дунё тўла танигани ва билгани;

— мустақиллик оқибатида ўз динимиз ўрни, эркинлиги ва кўплаб эсда қоларли тадбирлар ўтказилиши, қадриятлар ҳамда урф -одатларимиз тикланиши;

— мустақиллик — биз ёшлар учун шарафли ва муқаддас бўлган янги миллий армияда хизмат қилиш имкониятини бергани;

— дунёни билиш, кўп нарсаларни ўрганиш, чет тилларни билиш, умуман, онгли, билимли ҳамда замонавий бўлиш учун барча маълумотларни тўлиқ олиш имкониятлари борлиги;

— мустақиллик туфайли ўзбек автомобиллари пайдо бўлгани;

— мустақиллик туфайли шаҳарларимиз жуда ҳам гўзал бўлаётгани;

— мустақиллигимиз туфайли тинч, тотув яшаётганимиз...

Мен шу юртнинг фарзанди бўлганимдан фахрланаман.

Муниса ТУРСУНОВА, 10 - «Б» синф ўқувчиси:

— Ўтаётган ҳар бир кун, тиним билмас вақт бизни XXI асрга яқинлаштириб бораяпти. Навбатдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси ҳам айнан мана шу мавзуга бағишланган эди. Президентимизнинг маърузаларини тинглар эканмиз, кўзимизнинг олдида собиқ Иттифоқнинг мудҳиш кирдикорлари гавдаланиб турди.

Очиғини айтганда, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Бундай бойликнинг аҳамиятини англаш учун чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М.Скобелевнинг:

«Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди», деб айтган гапини эслашнинг ўзи кифоя қилади.

Бундай ёвуз қарашларга қўшимча изоҳ беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда)

Insho

Munosabat

ИЧИНГДАГИДАН ҚЎРҚ

Мен Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида яшайман. Шаҳримиз Тожикистоннинг шундоқ биқинида. «Ҳов» деган товушингиз тожик биродаримизнинг уйида акс-садо беради. Бир сўз билан айтганда, деворда армиёнмиз. Шу боис бўлса керак, Тожикистондаги кейинги сиёсий вазият мени ташвишга солиб қўйди. Мухолифатчилар раҳбари Саид Абдулло Нурийнинг мақсади аниқ: ҳокимиятга эгалик қилиш. Ахир, тожикистонлик биродарларимиз бир неча йиллик биродарлик муҳорабасидан қанчалик азият чекишган эди. Эндигина халқ енгил нафас олаётган бир пайтда, Нурий жаноблари яна бир можарони бошлаш тараддудида бўлса. Газеталардан ўқиб билаяпмиз, Саид Абдулло Нурий каттакатта террорчилик оқимлари билан яқин алоқада экан. Тожикистонда паноҳ топган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний деган манфурларга ўша жаноб ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан раҳнамо. Уларнинг куни кеча қилган қабиҳ ишлари – 18 нафар сафдошларини қатл этишлари қайси рисолага тўғри келади? Бу бадтарин кучлар дину диёнатдан оғиз кўпиртираётган раҳнамолари далдаси билан билган номаъқулчиликларини қилаверишса, эртага улар Ўзбекистоннинг осойишталигига ҳам раҳна солмасликларига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Шунинг учун биз, ота-оналар, маҳалла-кўй ҳамиша огоҳ бўлишини хоҳлардим. Токи, ёнимиздаги ёт мафкуралар онгимизга оқиб кирмасин. Халқимиз бежиз «Ичингдагидан қўрқ» демайди.

Насиба ЙЎЛДОШЕВА,
Янгиер шаҳридаги
1-ўрта мактаб
ўқитувчиси

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 май куни Оқсарой қароргоҳида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Хорст Кёлер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Германиянинг «Дрезднер банк АГ» вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюрди.

• Бельгия пойтахтида Европа Иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бошланди.

• Ҳинд ҳарбий авиацияси Кашмирнинг Ҳиндистондаги қисмига бостириб кирган мусулмон сепаратистлари позицияларини ёппасига бомбардимон қилишни давом эттирмоқда.

• Ереванда парламентга сайловлар куни Арманистон миллий партияси раҳбари Шанта Арутюнянга суиқасд қилинди.

• БМТнинг халқаро суди Слободан Милошевични Косоводаги ҳарбий жиноятларни амалга оширганликда айбламоқда.

• Колумбия хавфсизлик кучлари миллий озодлик армиясининг қуролланган қўзғолончилар гуруҳини таъқиб этишни давом эттираётир.

• Хитой Халқ Республикаси тарихида биринчи маротаба хитойлик мутахассислар Арктикадаги Шимолий қутбга экспедиция уюштиришга қарор қилдилар – шу йилнинг 1 июлида Шанхайдан-Шимолий қутбга йўл олинади.

ВАТАН ҚУДРАТИДАН ҚАЛБДА ҒУРУР БОР

(Боши 1-бетда)

Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадами буюк маънавиятимизни тиклаш, янада юксалтиришга қаратилди.

Наврўз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари тикланди. Биз Амир Темур, Алишер Навоий, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд каби боболаримизни танидик. Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий, Усмон Носир каби миллий - озодлик ҳаракати фидойиларининг номлари ҳеч қачон қалбимиздан ўчиб кетмаслигига амин бўлдик.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг ҳаётта бошқача кўз билан қарайдиган бўлдик. Дунёқарашимиз, фикримиз ўзгарди. Қисқаси, бу дунёда умид, ишонч билан яшай бошладик.

Комила АНОРҚУЛОВА, 10- «Б» синф ўқувчиси:

— Биз вақтнинг шунчалик тез ўтиб кеттанини сезмай қолибмиз. Қарангки, мустақил бўлганимизга 8 йил тўлаяпти. XXI аср бўсағасида турибмиз. 8 йил ичида қандай ишлар қилдигу, яна қандай ишлар қилишимиз керак? Мана шу каби саволларга шу йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида атрофлича жавоб берилди. Энг аввало, ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун бизга собиқ Иттифоқ даврини эслашимиз кифоя. Негаки, илгари Ўзбекистон фақат хомашё базаси эди. Миллий анъаналаримиз, она тилимиз, қанчадан-қанча шоиру фузололаримиз топталган эди.

Мустақиллик — бу миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи, мустақиллик - бу ўзига беклик. Мустақиллик - бу орзулар рўёби. Демоқчиманки, агар биз ёшлар яхши ўқиб, олий ўқув юртларига кириб бир мутахассисликни танлаб, давлатимиз ривожланишига озгина бўлса ҳам улушимизни қўшсак, ишонаманки, Ўзбекистон ҳам ўз қудрати билан АҚШдан қолишмайди.

Нилуфар ШОАКРАМОВА, 10 «А» синф ўқувчиси:

Умримизнинг ҳар бир куни, ҳар бир сонияси бизни XXI асрга янада яқинлаштирмоқда. Янги асрга яқинлашиб борган сари бизни нималар кутмоқда? Ўз ҳаётимизни қандай яхшилашимиз лозим, деган ва шунга ўхшаш жуда кўп саволлар хаёлимизда чарх уради. Бу саволларимизга Президентимизнинг XIV сессиядаги сўзлаган нутқларида аниқ ва тушунарли жавоблар топишимиз мумкин.

Мустақиллик - буюк неъмат. Мустақил бўлгач, биз жуда кўп ютуқларга эришдик. Бу маърузада ҳам 8 йил ичида эришилган ютуқлар жуда батафсил таҳлил этилган. Асосий ютуқларимиздан: дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлиги, ташқи иқтисодий алоқаларга эркин йўл очилганлиги, анъаналаримизнинг қайта тикланиши ва энг муҳими, хонадонларимизда қарор топган тинчлик ва барқарорликдир.

XXI аср арафасида мамлакатимизнинг ривожланиш моҳиятининг 6 та устувор йўналишлари маърузада очиб берилган.

Бундан ташқари, унда аёллар ва болаларни муҳофаза қилиш, суд ва қонун, оммавий ахборот воситалари, қуролли кучлар ва миллий армиямиз қилиши зарур бўлган ишлар ҳақида батафсил фикр юритилган.

Маърузада кадрлар тайёрлашда янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқишга, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш кераклиги ҳам таъкидлаб ўтилган.

Ҳозир биз ёшларга эътибор жуда катта . Бир қатор талаба ёшлар чет элларга юбориляпти. Ёшларимиз давлатларнинг ҳаётини, турмуш тарзини ўрганиб келмоқдалар ҳамда ўз тенгдошлари билан суҳбатда бўлиб, билим малакаларини яна ҳам оширмоқдалар. Президентимиз: «Биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдирадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол, маънавий ахлоқий етук, жисмонан соғлом инсонларни тарбиялашимиз керак», - дедилар. Биз ҳам ана шундай инсонлар бўлиб етишишимиз учун, жуда ҳам кўп ўқиб, изланишимиз зарур, деб ўйлайман.

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР ҚАНДАЙ?

Seminar

Республикамиз шаҳар ва вилоятларида тажриба-синов ишларининг якунига бағишланган семинар-кенгашлар Халқ таълими вазирлигининг «Республика умумий ўрта таълим мактаблари тажриба-синов иштирокчиларининг якуний анжуманларини ўтказиш ҳақида»ги буйруғига асосан ўтказилмоқда.

Фарғона вилояти халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ташкил этилган шундай семинар-кенгашда ҳам 1998/99 ўқув йилида умумий ўрта таълим ДТС лойиҳалари ва синов дастурлари тажриба синовдан ўтказилишининг якунлари ҳақида сўз борди. Тажриба-синов ишларининг якуний натижалари асосида такомиллаштирилган ДТС ва янги дастурларнинг замон талабларига мослиги ҳамда уларни амалиётга жорий этиш юзасидан экспериментатор ўқитувчи ва мутахассислар фикрлари ўрганилди. Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов тажриба-синов якунлари юзасидан маруза қилди.

Тажриба-синов иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари жонли, мушоҳадага бойлиги билан эътиборга моликдир. Семинар-кенгаш давомида Республика таълим маркази «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими бошлиғи М.Туропованинг 1-4 синф учун «Одобнома» тажриба-синов мактабларига методик адабиётларнинг яратилиши, таъминланиши ҳамда дастурлаштирилган янгиликлар ва ўзгаришлар ҳақидаги ахбороти тингланди.

Тажриба-синов натижалари асосида ДТС ва ўқув дастурлари, уларни умумтаълим мактабларига жорий этиш тартиби ҳақида Республика таълим маркази директори Г.Алимова сўзга чиқди.

Тажриба-синов ишларининг, айниқса, химия ва «Одобнома» фани бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларининг қониқарли ўтганлиги, дастурлар йил давомида таклиф-истаклар асосида қайта ишланиб, такомиллаштирилганлиги, улар давлат таълим стандартига мос келиши ҳамда босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши мумкинлиги тўғрисида умумий хулосаларга келинди.

Азиза ҚОРАБОЕВА

Болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳовли-саҳнани безаш учун буюк алломаларнинг қуйидаги доно фикрларидан фойдаланишни тавсия этамиз.

Маърифатга интилиш халқимизнинг азалий фазилатларидан биридир.

Ислом КАРИМОВ

Бир кунлик адолат – юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.

Амир ТЕМУР

Келажагимиз — ёшлар қўлида.

Ислом КАРИМОВ

Фарзанд – давлат, фазилати – зийнат.

Халқ мақоли

— Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

Ислом КАРИМОВ

— Қобилиятли одамни тарбия қилмаслик – зулмкорлик ва ноқобил одамга тарбия ҳайфдир. Тарбиянгни аяб унисини нобуд қилма, тарбиянгни бунисига зое кетказма.

Алишер НАВОИЙ

— Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа.

АРАСТУ

— Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур.

Ислом КАРИМОВ

— Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олийжаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз.

Ислом КАРИМОВ

— Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир.

ЦВЕЙГ

— Болаликка буюк ҳурмат, эҳтиром билан қараш лозим.

ЮВЕНАЛ

— Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суялган муқаддас бир вазифадур.

АВЛОНИЙ

— Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълим-тарбиясини кўрган шахслар керак.

Ислом КАРИМОВ

— Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади.

Ислом КАРИМОВ

— Ким ҳунарни деса, у доимо доно бўлур, нодонлар қудрат деб бойликни билур.

Абдурахмон ЖОМИЙ

— Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб туфроққаму кетгумдир охир.

Алишер НАВОИЙ

—Болаларингизга яхшиликни сингдириб ўстиринг, уларга бахтни фақатгина шу фазилат беради.

БЕТХОВЕН

— Одами эрсанг демагил одами, ониқим йўқ халқ ғамидин ғами.

Алишер НАВОИЙ

— Соғ танда – соғлом ақл

— Саломатлик – туман бойлик.

Халқ ҳикмати

— Гиёҳвандлик – офат

Халқ ҳикмати

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ ҚОШИДАГИ КЎЧМА КУТУБХОНАЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШДА ДОНОЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ФИКРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ

Илм — тун қоронғусидаги ёғдудир, илмнинг бу ёғдуси онгингни ёритади.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар, билим қайда бўлса буюклик бўлар.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

Илм чироғи-қалбларимизни яхшилик сари йўналтиради.

ФУРҚАТ

Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ

Фақат бир эзгулик бор – билим ва фақат бир ёмонлик бор жаҳолат.

СУҚРОТ

Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар.

Ҳадисдан

Илмдан бир шуъла тушган он, шундан билурсанким илм бепоён.

ФИРДАВСИЙ

Билим, маърифат яхши ахлоқ билан безанмоғи лозим.

ФОРОБИЙ

Илм кўпга етказар, ҳунар эса кўкка.

Халқ мақоли

Инсоннинг қиммати эмас сийму зар, инсоннинг қиммати илм ҳам ҳунар.

БЕДИЛ

ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАРДАГИ ШТАБ ХОНАСИНИ БЕЗАШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИЛАР БЎЛИШИ ЛОЗИМ

— Республика давлат Байроғи

— Республика Гербитамғаси

— Мадҳия матни

— Президент И. Каримовнинг сурати

Шунингдек, маънавият бурчагини ташкил этиш. Уни ташкил этишда қуйидаги бўлимлар бўлиши лозим:

Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир

Ватанни севмоқ иймондандир

Ўзбекистон – Ватаним маним

Ислом Каримов—Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти

Маънавият — ҳаёт кўзгуси

Маънавият- олий қадрият

Оила – маънавият асоси

Устоз шогирдлик—буюк қадрият

Конституциямиз — мустақиллик пойдевори

Маънавият ва маърифатга оид адабиётлар

Маънавият ва оммавий ахборот воситалари

ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАР РЕТУАЛЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛИШИ МУМКИН

Гулхан (таътил мавсумни очиш ва ёпиш)

Эрталабки ва кечки линейкани ўтказиш

Турли тадбирлар

Қасамёд қабул қилиш

АТРИБУТЛАР

Республика байроғи \герб, мадҳия\

Оромгоҳ байроғи

Оромгоҳнинг нишони \белгиси\

Доира \барабан\

Сурнай \чорловчи куй учун\

ОРОМГОҲНИНГ УМУМИЙ ШИОРИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛИШИ МУМКИН

Ватан учун, дўстлик, эзгулик ва адолат учун!

Вақтинг кетди, нақдинг кетди \ёзиб қўйишга\

Оромгоҳ гуруҳларининг номи ва шиори

ОРОМГОҲДАГИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЮШМАСИНИНГ ИШ ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон — Ватаним маним

Мазкур йўлланма бўйича қуйидаги клублар фаолият кўрсатиши мумкин.

Ватан остонадан бошланади» \Ёш ўлкашунос\

Меросга ихлос клуби

Зукколар клуби

Хотира ва қадрлаш клуби

МЕҲНАТДАДИР – ОМАДИМ МАНИМ

Ишбилармонлар клуби

Халқ ҳунармандчилиги клуби

Фольклор клуби

Ёш ижодкорлар клуби

МЕҲР — ШАФҚАТ

Раҳм-шафқат клуби

Савобли ишлар бюроси клуби

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Инсон ва табиат клуби

Табиат ва маданият клуби

— «Техника табиат ва фан» клуби

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Кичик олимпия клуби

"Доим барча хурсанд" клуби

ҚИЗИҚИШИ БЎЙИЧА ТЎҒАРАК ИШЛАРИ 1999 ЙИЛ АЁЛЛАР ЙИЛИ

(Миллий ҳунармандчилик, спорт, моҳир қўллар бадиий эстетика йўналиши)

Турли матбуот материаллари \журналлар, китоблар, ўқувчилар томонидан яратилган ижодий ишлар\

Стенд «Ўзбекистон-Ватаним маним \Стендда қўшни республикалар ҳаётидан китоблар, миллий ўйинлар, қўшиқ ва рақслардан лавҳалар\ Республикадаги барча оромгоҳлар пештоқларида Президент И. Каримовнинг қуйидаги фикрлари ёзиб қўйилиши шарт:

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши керак».

ОРОМГОҲ ГУРУҲЛАРИНИНГ НОМЛАНИШИ ВА ШИОРЛАРИ

— "БОБУРИЙЛАР" – Бори элга яхшилиғ қилғилки мундин яхши йўқ, ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

— «НУРЛИ АВЛОД» — Иймон, эътиқод, поклик дилимизда, иззат-одоб ила қўлимиз кўксимизда.

— «ТИНЧЛИК» — Тинчлик билан диллар обод, тинчлик бўлса эл фаровон.

— «ДЎСТЛИК» — Дўстлик уйи Ўзбекистон, дўстлик тинчлик шиоримиз

— «ВАТАНПАРВАР» — Гербимизда тоғлар бор, водийлар бор, боғлар бор, ўнг томони пахтазор сўл томони буғдойзор.

— «ҚУЁШ» — Чамбараклар ўралган водий узра қуёш бор, ҳурлигимиз рамзидир Хумо деган қушимиз.

— «АЛПОМИШ» — Саман отли, саржиғали бекларимиз юртимиз чун жондан кечмоқ шиоримиз.

— «ТЕМУРИЙ» — "Биз ким – мулки Турон, Амири Туркистонмиз, Биз ким – миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи туркнинг бош бўғинимиз".

— «ОҚ КЕМА» — Изтопар номимиз бор бепарво туриш -чакки, оқ кемани излаймиз, кетдик бизлар илдамлаб.

— «ИСТИҚЛОЛ» — Меним ҳур Ватаним, нурли бўстоним таърифига сўз топаолмасдан тилим лол, буюклар макони — Ўзбекистоним, чиройингни гулдек очди истиқлол.

— «ЛОЛА» — Мен лоламан, лоламан, тоғдаги шалоламан,

Мени суйган ҳар болани суйиб қарши оламан.

— «КАПАЛАК» — Қувончим ойга етар, қуёш чиқар осмонда,

Капалаклар рақс этар, яйрашиб ҳур замонда.

— «ҚАЛДИРҒОЧ» — Қалдирғочлар учиб келар, баҳор чоғида бари

Кўкламни қучиб келар, у қушларнинг сардори.

— «НАВРЎЗ» — Наврўз келгач очилар гуллар, Наврўз келгач ёзилди диллар. Наврўз эса мисли гул чечак, қизлар эса мисли янги келинчак.

— «ЗУККОЛАР» — Биз Ватан фарзандлари, Президент болалари

Буюк келажакни қурадирмиз биз!

— «ВАТАНИМ» — Нурли Ватан ҳур Ватан, яшнаётган диёрим,

У — дунёда дур Ватан, тинч- тотувлик шиорим.

«ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ»

— Жалолиддин Мангуберди қўтарган юрт шаънини

Эъзозлашга чақирамиз юртимиз ўғлонини.

«БАРЧИНОЙ»

— Барчинойнинг мардлигин жаҳон узра ёйилик

Унинг гўзал хислатин андозасин олайлик.

«ПОЛВОНЖОН»

Тўқсон алпни йиқитган полвон, мард ўғлон

Қалбимизда мангусан Алпомиш полвон.

ОРОМГОҲНИНГ ГУРУҲ ТАРБИЯЧИЛАРИ ИШ ТАРТИБИ ҚУЙИДАГИ ТАВСИЯЛАР БИЛАН БОШЛАНИШИ КЕРАК

1. Ўзбекистон Мадҳиясини куйлаш.

2. Дунёда ва мамлакатимизда ҳафта давомида рўй берган муҳим сиёсий ва иқтисодий янгиликлар.

3. Ҳадислардан намуналар айтиш.

4.Тарбияга оид саҳна кўринишни намойиш этиш.

5. Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» нутқидан қисқача шарҳ.

6. Тўғарак машғулотлари ўтказишнинг доимийлигини таъминлаш.

Оромгоҳ ҳовли – сатҳи, гуруҳлар ҳоналари ва кўчма кутубхоналарида юқорида келтирилган шиорларга мос равишда мусаввирлар ишлаган бадиий эстетик ишлар, расмлар, панноларда ўз ифодасини топиши лозим.

Шунингдек, мазкур тавсияномадан маҳаллий шароит, имкониятларга қараб, ижодий ёндашган ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

Республика таълим маркази "Маънавият ва қўшимча таълим бўлими"

БОЛАЛАР ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИНИ БЕЗАШ ВА МАЪНАВИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Шулардан бири - боғча. Яқинда Тошкент шаҳри Ҳамза туманининг Мавлоно Риёзий мавзесидаги Мустақиллик маҳалласи болаларига топширилди.

Маҳалла оқсоқоли Л.Ҳамидов "Сифат" трестига қарашли махсус қурилиш бошқармаси бинокорларига маҳалла аҳли номидан миннатдорчилик изҳор этди.

— Тўнғич неварам Фаррухжон эртадан янги боғчага қатнай бошлайди, - дея қувончини изҳор қилди маҳалла фуқароси Гулчеҳра опа Раҳимова. - Неварам тарбияси учун ҳам, биз учун ҳам ана шу тарбия маскани Аёллар йилида жуда яхши совға бўлди.

480 ўринга мўлжалланган боғчада унинг ёш соҳиблари учун барча шароитлар мавжуд. Расмий очилиш маросими тугамасданоқ болажонлар мармар ҳовузчаларда чўмилишни бошлаб юбордилар.

Хусан СУЛАЙМОНОВ, "Туркистон-пресс" мухбири

СОВҒАНИНГ ТУРИ КЎП

Hay'at yig'ilishida

ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНЯПСИЗМИ?

Эътибор берган бўлсангиз сўнгги пайтларда ҳукуматимиз томонидан аҳоли манфаатига йўналтирилган кўплаб Қарорлар қабул қилиняпти. Хўш, уларнинг қоғозда эмас, амалдаги ижроси қандай бўлаяпти? Республика халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилишида ана шундай саволлардан бирига жавоб берилди. Унда Самарқанд вилояти таълим муассасаларида Вазирлар Маҳкамасининг "Таълим хизматлари кўрсатиш бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда халқ таълими вазирлигининг "Касбга йўналтириш, таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш, сармоядан ташқари маблағлар топиш ишларини фаоллаштириш ҳақида"ги буйруғи қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, вилоят таълим муассасаларида ушбу қарор бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишга катта эътибор берилган. Педагогика билим юртларида шартнома – контракт асосида 698 нафар талаба ўқимоқда ва уларнинг контракт тушумлари 10535,5 минг сўмни ташкил қилади.

Шу билан бирга ўрганилган масалалар бўйича жиддий камчиликларга йўл қўйилган.

Вилоятдаги таълим муассасаларининг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжи аниқ ўрганилмаган, истиқбол режалар тузилмаган, чуқур таҳлил этилмаган.

Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарияти мазкур масалаларга умуман эътибор бермаган. Ҳукуматимиз томонидан таълим муассасаларининг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашига ва шу орқали ўзига хос бир рақобатни юзага келтиришга имкон яратган.

Педагогика билим юртлари ва халқ таълими бошқармаси ҳамда бўлимлари билан кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжни таъминлашда ҳамкорликда олиб борилиши зарур бўлган ишлари талабга жавоб бермайди. Пуллик хизмат кўрсатиш бўйича мавжуд бўлган имкониятлардан қониқарли фойдаланилмаяпти.

Мажлисда Касбга тайёрлаш, таълимни компьютерлаштириш ва маркетинг бошқармаси бошлиғи С. Алиев вилоятдаги ушбу камчиликлар хусусида айтиб ўтар экан, энди бир савол туғилади. Ушбу қарорлар ижроси қачон таъминланади? Бу савол ҳаммани ўйлантириши керак. Йиғилиш якунида халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ҳам ана шу саволнинг жавоби ҳамма вилоятлардан қатъий сўралиши лозимлигини айтиб ўтди.

А.НАЗАРОВ

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ: ЎТМИШДА ВА БУГУН

(Боши 1-бетда)

Спарта, Афина, Римнинг қадимий тарихида бошқа мисолларни кўриш мумкин. Спартада жангчиларни, Римда гладиаторларни тайёрлашнинг мукаммал тизими яратилган ва муваффақиятли амалга оширилган.

«Одамлар, – деб ёзган эди Афлотун, – бир-бирларига у даражада ўхшаш бўлиб туғилмайдилар, уларнинг табиати ва қобилиятлари турлича бўлади... Шу сабабли барча вазифаларни амалга оширишда ўз табиий қобилиятларига мос равишдаги юмушлар танлаганда уни яхшироқ, тез ва кўпроқ даражада амалга ошириш мумкин бўлади».

Афлотуннинг «Давлатчилик» асарида қандай амалдорларни танлаш керак деган саволига Суқрот қуйидагича жавоб беради: «Энг ишончли, жасур ва имкониятлари кенгроқ бўлган шахсларга кўпроқ эътиборни қаратиш; бундан ташқари нафақат олий табақадаги юқори маънавиятли инсонларни, балки шу даражадаги тарбия беришга лойиқ одамларни ҳам топиш лозим. Улар билимларни тез қабул қила олишлари ҳамда тез фикрлай олишлари... мустаҳкам хотирали, ўз фикрида қатъий турувчи ва барча муносабатларда меҳнаткаш инсонларни топиш лозим».

Эрамизгача бўлган 900 ва 600 йиллар оралиғидаги Ҳинд ведаларида заргарлар, темирчилар, арқонсозлар, тўқувчилар, бўёқчилар, дурадгорлар, кулоллар, уй хизматчиларининг турли тоифалари, акробатлар, фолбинлар, найчилар, раққослар касб сифатида санаб ўтилган. Яна шунингдек актёрлар, судхўрлар ва савдогарлар ҳам мавжуд бўлган. Бундай маълумотлар кўп бўлиб, уларнинг барчаси бугунги кунда касбий ташхис қилиш ёки касб танлаш деб аталувчи тушунчаларнинг қадимдан шаклланганлигини билдиради.

Шахс хислатларини илмий тадқиқ қилишнинг асосчиси Ф. Гальтон ҳисобланади. Бу турдаги тадқиқотлар мақсадини амалга ошириш учун у Лондонда ўтказилган Тиббиёт жиҳозлари ва соғлиқни сақлаш услублари (1884) Халқаро кўргазмасидан фойдаланди.

Кўргазмага келувчилар ўз жисмоний қобилиятлари ҳамда физиологик имкониятларини 17 та кўрсаткич бўйича синаб кўришлари мумкин бўлган. Булар ичида инсон бўйи, танаси оғирлиги, панжа ва зарб кучи, хотираси, рангларни ажрата олиши, кўриш ўткирлиги ва бошқалар бўлган. Тўлиқ дастур бўйича 9337 киши кўрикдан ўтказилган.

1908 йилнинг январида Бостон шаҳрида ўсмирларга ўз ҳаётий меҳнат йўлини танлашига ёрдам берувчи ёшларни касбга йўналтириш бюроси ўз ишини бошлаган. Бу бюро фаолияти касбга йўналтириш ишларининг асоси сифатида қабул қилинган. Кейинчалик шу турдаги бюро Нью-Йоркда ҳам ташкил этилди. Унинг вазифалари қаторига инсонларнинг турли касбларни эгаллашида қўйиладиган талаблар, мактаб ўқувчилари қобилиятларини чуқурроқ ўрганиш кабилар кирган. Бюро ишини ўқитувчилар билан ҳамкорликда, тест ва анкеталардан фойдаланган ҳолда олиб борган.

Шу даврда Англияда вазирлик рухсати билан 17 ёшдан кичик бўлган ўқувчиларнинг касб танлашига маслаҳат ёки кўпроқ амалий характердаги маълумотлар билан ёрдам кўрсатувчи муассасалар очиш йўлга қўйилган. Бу ерда 1911 йилда меҳнат биржалари ҳамда таълим муассасалари ҳамкорликдаги ишини мувофиқлаштирувчи махсус ахборотнома чоп қилиш йўлга қўйилган.

1922 йилда Германияда касбга йўналтириш ва маслаҳат тўғрисидаги қонун қабул қилинди ва шу асосида ушбу тизимни амалга ошириш мезонларини ифодаловчи Низом тасдиқланди.

Россияда касбга йўналтириш ишлари XX асрнинг дастлабки йилларида амалга ошира бошланди. Москвадаги ўқитувчилар уйининг Педагогика музейида, турли типдаги мактабларда ўқувчиларининг касб танлашига оид қатор изланишлар олиб борилди. Бунда асосий эътибор қайси касбларга кўпроқ эҳтиёж борлиги, уларни танлашда ўқувчиларнинг қандай мезонларга асосланишини тадқиқ қилишга қаратилди.

1927 йилда Ленинградда ташкил этилган касбий маслаҳат бюросида амалий тадқиқотлар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ҳам олиб борилган.

Касбга йўналтириш ишларининг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқишга П. П. Блонский, А.С. Макаренко каби атоқли рус олимлари ўз ҳиссаларини қўшганлар. Улар ўқувчиларни касбга йўналтириш ишларининг психологик-педагогик асосларини яратиб, унинг кейинги тараққиёти учун шароит яратиб бердилар.

30-йилларнинг бошларида касбий маслаҳат ва касбга йўналтириш Марказий лабораторияси фаол ташкил этилишига қарамай, 1932 йилга келиб бу турдаги бюролар сони 54 тага етказилди. Касбга йўналтириш ишлари тараққиётига ўқувчилар меҳнат таълимига бўлган эътиборнинг сусайиб бориши салбий таъсир кўрсатди. Меҳнат таълимининг бекор қилиниши (1937) касбга йўналтириш ишларининг тўхтаб қолишига олиб келди.

Меҳнат ва касбий тайёргарлик тизими бевосита ёшларнинг меҳнат ва касб тарбиясини, таълимини, касбий ахборотлар, касб танлаш, касбга йўналтириш ишларини амалга оширадиган улкан ишлардан бири бўлиб, тараққиёт йўлига эгадир. Халқимизни миллат, халқ, элат бўлиб шаклланишини меҳнатсиз, касб-ҳунарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Одамзод пайдо бўлишидан бошлаб, меҳнат билан шуғулланган, турмуш буюмлари ясаган, юмушлар бажарган. Дастлаб фақат кун кечириш учун қилинган меҳнат кейинчалик, каттароқ мақсадларни кўзлаган, ишлаб чиқариш соҳалари даражасигача тараққий этди.

XII-XVI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳунар илми ривожланиши энг юқори поғонага кўтарилди. Шарқнинг буюк мутафаккирлари, алломалари деярли барча даврларда ўз асарларида, шеър ва ғазалларида, адабий меросларида ҳалол меҳнатни, касб-ҳунар эгаллашни муқаддаслигини ва зарурлигини таъкидлаб, улуғлаганлар.

Республикамиз ҳудудида ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳунармандчилик бу ерларда икки минг йиллар олдин ривожланган. Бу даврда синфий жамият пайдо бўлиб, йирик меҳнат тақсимоти негизида ҳунармандчилик мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан.

IX-XII асрларда ҳунармандчилик кенг ривожланиб, халқимизнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олган.

Айрим манбаларга асосланиб шуни айтишимиз мумкин: 32 хил ҳунармандчилик тури мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жойни шаҳар деб аташган.

1897 йили илк бор аҳолини рўйхатга олиш вақтида катта шаҳарларда аҳолининг кўпчилик қисми ҳунармандлар ҳисобланган. Масалан, Наманган аҳолисининг 64 фоизи, Қўқоннинг -52 фоизи, Чустнинг – 54 фоизи, Марғилоннинг – 50 фоизи, Андижоннинг – 45 фоизи, Тошкент ва Самарқанднинг 29 фоизи мустақил касб-ҳунар эгаси ҳисобланган. (И. Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Т. 1995).

Ҳунармандчиликнинг қадимий даврларда энг кўп тарқалган тури темирчилик, заргарлик, мисгарлик ва тунукасозлик бўлган. Ҳозиргача кенг тарқалган қадимий касблардан бири ёғоч буюмлари ясаш ҳунармандчилигидир.

XX аср бошларида дастлабки тикув машиналарининг пайдо бўлиши билан янги ҳунармандчилик касби – машиначилик юзага келади. Ўзбекларнинг энг кенг тарқалган уй касбларидан бири дўппидўзликдир.

Булардан ташқари теридан ҳар хил буюмлар ясаганлар, косиблар ўз маҳсулотларини шаҳар ва қишлоқларда юриб аҳолига сотганлар, нонвойлик, қандолатчилик ва қассоблик ҳам ҳурматли касблардан бўлиб, уларнинг дўконлари ҳар қадамда учраган. Катта тўй-маъракалар ўтказиш одати махсус ошпазлик касбини юзага келтирган.

Aks-sado

ЯНА «ОҚШОМ» ҲАҚИДА

Сўнгги қўнғироқ садолари ҳам янграб, битирувчи синфлар учун давлат имтиҳонлари давом этмоқда. Ўқувчиларнинг меҳр-муҳаббат билан Ватан, аёл, миллий қадриятларимиз ҳақида ёзган гўзал иншолари, бийрон жавоблари, ЭҲМ да тўплаган баллари устозларни қувонтирмоқда. Бироқ «Беш қўл баробар эмас» — айрим ўқувчилар ва ота-оналар газетанинг ўтган сонларидан бирида Ҳамдам Тўйчиев ёзганидек, битирув оқшомини базм деб тушунмоқда. Афсуски, домла мақолада таъкидлаган барча ҳоллар кўпгина мактабларда кузатилмоқда.

Тўғри, битирув оқшомлари инсон ҳаётида бир марта бўлади, унутилмас кунлардан бирига айланиши керак. Аммо бу кун фақат еб-ичишдан, ким ўзарга кийинишдан, пешона тери билан ота-оналар томонидан топилган маблағни бир кунлик «базм» учун турли дасталарга сарфлаб юборишдан иборат бўлиши тўғримикан? Орадан ўн йил, йигирма йил ўтиб ким қандай кийинганию ким нечта тоғора тайёрлаб келганини эслаш мароқлимикан? Ҳаётнинг мазмуни моддий эмас, маънавий бойликда эканини ўқувчиларга сингдириб боряпмизку?!

Яқинда собиқ ўқувчиларимиздан бирининг ота-онаси билан гаплашиб қолдик. У шундай деди:

— Қизимнинг лицейдаги ўқишлари ҳам яхши. Сизларни тез-тез эслаб туради. Бу йил ўқишни тугатяпти. Битирув оқшомида синф раҳбарига гилам совға қилмоқчимиз. Шунга 200 сўмдан пул йиғяпмиз.

— Синф раҳбари биладими?

— Йўқ, ахир шунча ўқитди, байрамларда ҳам бирор нарса совға қилолмадик. Фарзандларимизга 10 минглаб сарфлаб кийинтиряпмиз-ку, 200 сўм билан камайиб қолармидик!

Тўғри ўқитувчи меҳнати ҳар қандай тақдирланишга лойиқ, аммо бирор ўқитувчи очиқдан очиқ совға талаб қилмайди. Устозлар бундай пасткашликлардан холи. Совға қилинган нарсалар ҳам мактаб учун қолади. Қолаверса, янаги йил ундан битирувчининг укаси, синглиси, жияни фойланади. Мактабни таъмирлаш учун кияётган кийимининг ўндан бир қисми ҳам келмайдиган маблағ сўралса, айрим ота-оналар нолишга ўтадилар. Аммо фарзандларини қарзга пул олиб бўлса-да, кийинтириб, истироҳат боғи, кафеларга боришлари учун имконият яратадилар. Ана шундан болада ҳудбинлик шаклланиб боради.

Мактаб кутубхоналари китобларга бой эмас. Қани энди, битирувчи синф ўқувчилари мактаб кутубхонасига лоақал биттадан китоб тақдим этиб кетсалар. Биттадан гултувак совға қилсалар. Бир синф хонасини таъмирлаб берсалар. Сўнг оқшом харажатларини камайтириб, унга сарфланадиган маблағнинг маълум қисмига «Ахборотнома»лар олиб, саволларига пухта тайёрланиб, олийгоҳларга ўқишга кириб, устоз ва ота-оналар юзини ёруғ қилишса. Маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги, битирувчиларга уларнинг маслаҳатлари ниҳоятда зарур. Оқшомларни тинч, дабдабасиз, аммо эсда қоларли этиб ўтказишда ўқувчиларимизга ёрдам берайлик, истеъдодли болалардан фойдаланайлик!

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
274-мактаб ўқитувчиси

Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 20-мактаб қошида кўп йиллардан буён миллий-бадиий каштачилик тўгараги фаолият кўрсатиб келаётир. Тўгаракка раҳбарлик қилаётган тажрибали уста-педагог Зайнаб Бердиева қизларга каштачиликнинг нозик сирларини ўргатиб келмоқда. Унинг шогирдлари ҳозирда мустақил равишда палак, дастурхон, сўзанага гул тика олишади.

Суратда: тўгарак раҳбари З.Бердиева 10-синф ўқувчиси Шалола Холованинг тиккан каштасини кўздан кечирмоқда

Р.Альбеков олган сурат.

Xorijda ta'lim

ИТАЛИЯДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ҳозирда нафақат мамлакатимизда, балки кўплаб хорижий давлатлар таълим тизимида ҳам катта-кичик ислоҳотлар ўтказилмоқда. Шу жумладан, Европанинг тараққий топган мамлакатларидан бири бўлмиш Италияда ҳам таълим ислоҳотчилари «баҳс-мунозаралар босқичи»дан амалий ишга ўтишди.- Мамлакатда таълим тўғрисида янги қонун қабул қилиниб, у ислоҳотларнинг ўтиш даврига тегишли эканлиги эълон қилинди. Янги қонунга асосан, мажбурий ўрта таълим муддати яна бир йилга узайтирилиб,келаси,1999-2000 ўқув йилидан бошлаб, Италия умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар 9 йил,яъни 6 ёшдан 15 ёшгача мажбурий таҳсил оладиган бўлишди. Қонунда, кейинчалик бу муддат яна бир йилга (6 ёшдан 16 ёшгача) узайтирилиши кўзда тутилган.

Шу кунгача, бу мамлакатда мажбурий таълим 8 йил (6 ёшдан 14 ёшгача) давом этар эди. Сўнги йилларда, ёш италияликларнинг 14 ёшдан кейин ўрта мактабни тарк этиш ҳоллари кўп учрай бошлади. Баъзилар эса 14 ёшдан кейин умуман ўқишни тўхтатиб қўя бошлашди. Ҳукуматни юқоридаги қонунни қабул қилишга ундаган асосий масала ҳам шу,яъни ёшларнинг таълим олишдан чекиниши оммавийлашиб бораётгани эди.

Бу эса Италия ҳукуматини таълим босқичлари узлуксизлигини таъминлашга эътибор қаратишга мажбур этди.

Янги қонунда ёзилишича, кейинчалик мажбурий таълим ҳам умумий ўрта, ҳам касб-ҳунар таълим босқичларини қамраб олади, яъни мажбурий таълим олий таълим босқичи бошлангунга қадар давом этади. Унда 6 ёшда бошланғич таълим босқичида ўқишни бошлаган ўқувчи 10 йилда умумий ўрта таълимни тугатади ва 16 ёшидан яна икки йил (18 ёшгача) касб-ҳунар таълими босқичида мажбурий таҳсил оладиган бўлади.Мажбурий таълимнинг бундай кўринишини тугатган ўқувчилар мажбурий ўрта махсус таълим олганликлари тўғрисидаги дипломга эга бўладилар.Ҳозирча эса,ўқувчилар 15 ёшида мажбурий ўрта таълимни тугатиб сертификат олади.Шундан кейин ўз ихтиёрига кўра ўқишни мажбурий бўлмаган касб-ҳунар таълими мактабларида давом этириши мумкин.

Хуллас, Италияда ҳам эскириб қолган таълим тизимини замонага мослаб ўзгартириш сари салмоқли қадам қўйилди.Бу ҳақда ислоҳотлар тарафдори, Италия Республикаси Халқ таълими вазири Луиджи Берлингуер шундай дейди:«Мажбурий таълим муддатини узайтиришни биринчи бўлиб жаноб Оскар Луиджи Скалфаро (Италиянинг ҳозирги президенти) 1972 йилдаёқ таклиф қилган эди. Лекин бу масала турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ва доим орқага суриб келинган. Ниҳоят бугунги кунга келиб таълим тўғрисида янги қонунимиз қабул қилинди ва бу бизнинг тарихий ғалабамиз рамзидир. Эндиликдаги вазифамиз ислоҳотларни чуқурлаштиришдир.

Кўриниб турибдики, Италия маориф мутахассислари ислоҳотларни мажбурий таълим давомийлигини узайтиришдан бошлашди. Шу ўринда Европанинг бошқа мамлакатларида мажбурий таълим муддати неча йил эканлигига қизиқиш уйғониши табиий. Шу боис, биз мақола сўнгида Европанинг баъзи мамлакатларида жорий қилинган мажбурий таълим муддати тўғрисидаги мухтасаргина маълумотни келтириб ўтишни лозим топдик.

Демак,мажбурий таълим муддати Австрияда 6 ёшдан 15 ёшгача,Белгияда 6 ёшдан 18 ёшгача, Буюк Британияда 5 ёшдан 16 ёшгача,Испанияда 6 ёшдан 16 ёшгача, Данияда 6 ёшдан 16 ёшгача, Ирландияда 6 ёшдан 15 ёшгача,Люксембургда 6 ёшдан 15 ёшгача, Францияда 6 ёшдан 16 ёшгача,Юнонистонда 5,5 ёшдан 15 ёшгача, Голландияда эса тўлиқ соатларда 5 ёшдан 16 ёшгача ва тўлиқсиз соатларда 5 ёшдан 18 ёшгача экан.

Хориж матбуоти асосида
Шуҳратжон ЙИГИТАЛИЕВ тайёрлади.

Ta'lim homiylari

РАИСБУВА МАКТАБ ҚУРАДИ

— Ортда қолган умрга афсусланмаслик учун халқнинг ҳурматини қозониб яшамоқ керак. Яшаганда ҳам шундай яшамоқ керакки, ортда қолган хизматларинг учун келажак авлод сенга таъзим қилсин, сенинг номинг яхшилар қаторида қолсин. Эркин ака Рамазонов худди ана шундай инсонлардан бири, — деди биз билан бўлган суҳбат жараёнида Сурхондарё вилояти Узун тумани ҳокими Сафар ака Ҳасанов, — у кишининг номларини нафақат туманда, вилоятда ҳам кўпчилик ўзига хос ҳурмат билан тилга олади. Бағри кенг, фидойи бу инсон салкам 40 йилдан буён вилоятнинг Сариосиё ва Узун туманларида эл-юрт хизмати учун камарбаста. Эркин ака қайси бир лавозимда ишламасинлар у киши энг аввало, маънавият ва маърифат ишларига асосий эътибор қаратадилар...

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» унвонининг соҳиби, «Гулистон» жамоа хўжалиги раиси Эркин ака Рамазонов бизнинг тасаввуримиздагидан ҳам содда ва самимий, ўзларига бино қўймаган, кам гапириб кўп эшитишни яхши кўрадиган ажойиб инсон эканлар.

— Президентимизга беҳад катта раҳмат! — деди Э.Рамазонов. — У кишининг таклифлари билан 1999 йил юртимизда Аёллар йили деб эълон қилинди. Аёлини улуғлаган эл улуғ бўлади. Машойихларимиздан бизгача ўтиб келаётган ибратли бир даъватга бир эътибор беринг-а: «Аёлни ардоқла кўзларингга сурт, пайғамбар сиғинган оёқларини». Мен буни шунинг учун ҳам алоҳида урғу билан айтаяпманки, ҳаётда топган барча обрў-эътиборим, иззат-ҳурматим умр йўлдошим Раъно-хон Шамсиддинова туфайлидир...

«Гулистон»даги 7 та мактабга ҳам асосий ҳомий жамоа хўжалигининг ўзи ҳисобланади. Мактабларни таъмирлаш, ҳали у ҳали бу камчиликларни бартараф этиш худди ана шу ҳомийнинг зиммасида. Шуниси қувончлиқи, бу иш кўнгилдагидек амалга оширилаётир.

— «Томчи» деб аталувчи қишлоғимизда жойлашган 39-мактабимиз биноси ўтган йили сел остида қолди. Худога минг бор шукур, ҳеч кимга зиён етмади, – деди Эркин ака Рамазонов, – Ана шу мактаб ўқувчилари учун 2 миллион сўмдан ошиқроқ маблағ сарфлаб, қисқа вақт ичида кичикроқ бўлса ҳам янги мактаб қуриб бердик. Жамоа хўжалигимиз асосан қурилиш жиҳозларини олиб берди. Қишлоқ аҳлига ҳам, мактаб ўқитувчиларига ҳам катта раҳмат, уларнинг барчаси ҳашар ишларида бир тану бир жон бўлиб иштирок этишди...

Ички имкониятлар ишга солиниб, кичкинтойлар учун маблағ топиб бериб турилди.

Ўтган йили хўжаликда жойлашган 11-мактабга ҳам қўшимча бино қуриб берилди. Жамоа хўжалигидаги кам таъминланган оила фарзандларига дарсликлар сотиб олиб берилди.

— Шаҳринав ва Совжирон қишлоқларида 556 ўринга мўлжалланган, битмаган мактаб биноларимиз мавжуд. Ҳозир уларга 10 миллион сўмга яқин маблағ ажратдик. 1999 йил якунига қадар ана шу пул ҳисобига шу мактабларимиздан бирини қуриб фойдаланишга топширамиз. Битмаган мактабларимизнинг яна бирини эса 2000 йилда битказишни режалаштирганмиз – деди Эркин ака Рамазонов.

Биз тажрибали, маърифатпарвар раисбува билан қилган суҳбатимиз ва жамоа хўжалигидаги кўрган-кечирганларимиз жараёнида шу нарсага сўзсиз иқрор бўлдикки, «Гулистон»да маънавият ва маърифат ишлари асосий ва долзарб мавзу даражасига сўзсиз иқрор рост. Эркин аканинг мактабларни компьютер аппаратлари ва замонавий техника воситалари билан мумкин қадар тезроқ таъминлаш хусусидаги қуйиб-ёниб айтган гапларини, бу борадаги жамоа хўжалигида режалаштирилган ишларни эшитиб беҳад хурсанд бўлдик.

Абдували ОБИДДИН

Таҳририятдан: *Қанийди, ҳамма раисбуваларимиз ҳам келажагимиз асоси ҳисобланмиш шу кунги боғча ва мактабларимизга Узуннинг маърифатпарвар раиси Эркин ака Рамазонов сингари қайғурсалар эди...*

АДАБИЙ ҚЎЛЛАНМАЛАР

Маълумки кейинги пайтларда барча фанларнинг янги дастур ва дарсликлари чиқаяпти. Бироқ бу дарсликларга қўшимча баъзи қўлланмалар ҳам чоп этилаяптики, қуйида сиз адабий таълимга оид ана шундай қўлланмалар билан танишасиз.

«Ўзбек адабиётидан тест-синов топшириқлари». Н.Ғуломова, 1998 йил, РТМ.

Тест топшириқлари 9-, 10, 11-синфларнинг ҳар бири учун алоҳида тузилган бўлиб, ҳар бир рисолада 200 тадан тест берилган. 9-синф учун тузилган тестлар илк адабий ёдгорликлардан бошлаб XV аср адабиётигача бўлган мавзулар асосида, 10- синф учун тузилган тестлар XV аср адабиётидан XX аср бошигача бўлган адабий мавзулар ҳамда 11 - синф учун тузилган тестлар XX аср бошидан охиригача бўлган адабий мавзуларни қамраб олган. Ҳар бир чоракда қайси мавзу ўтилса , тест топшириғи шу мавзу асосида тузилган.

Адабиёт муаллими ҳар чорак якунида йирик мавзулар ўтилгандан сўнг ярим йил якунида ва йил охирида мазкур тест топшириқлари асосида синов ўтказса, ўрганилган мавзулар бўйича ўқувчининг билими мустаҳкамланади ҳамда кейинги синовлар учун пухта замин тайёрланади.

«Алпомиш» достонининг матнини ўрганиш методикаси». О.Мадаев, 1998 йил, РТМ. Адабий таълим тизимида бадиий асарнинг матни устида ишлаш ўқитувчи фаолиятида энг муҳим босқич ҳисобланади.

Адабиёт ўқитиш-методикаси тарихига назар ташлар эканмиз, маҳалла мактаблари, мадраса мударрислари ўқиш жараёнида асар матнига алоҳида эътибор билан қарашларига гувоҳ бўлиш мумкин. Қадимда ота-боболаримизда бедилхонлик, саъдийхонлик, навоийхонлик, машрабхонлик каби анъаналар мавжуд бўлган. Уларнинг диққат марказида ўрганилаётган матнни ўқиш, ёдлаш, адиб маҳоратини баҳолаш асосий машғулот ҳисобланган. Шунинг учун ҳам яқин ўтмишда эскича таълим кўрган ота-боболаримиз Навоий, Машраб каби шоирларимизнинг ижодидан юзлаб мисраларни ёд билишган.

Афсуски, ҳозир ўқувчиларимиз орасида бадиий асар ўқимаса туролмайдиган, шеърий асарларни ёдлаб, қалб мулкига айлантириб оладиганлар сони талаб даражасида эмас.

Мазкур рисолада юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, матн устида ишлаш усуллари, «Алпомиш» достонини мактабда ўрганиш бўйича дарс ишланмаси ўқитувчилар эътиборига ҳавола этилган.

«Боқийлик саодати», И.Адизова, 1998 йил, РТМ.

Сўфи Оллоёр халқ орасида Аҳмад Яссавийдан кейин асарлари энг кўп тарқалган шоир. Унинг ижоди руҳий поклик, ҳалоллик, шавқат ва эзгуликни куйловчи асарлардан иборат. Шоир шариат ва тариқат маъноларини қўшиб инсонларни яхшилик, савоб ва хайрли ишлар билан банд бўлишга чорлайди.

Шоирнинг айрим асарлари нашр этилган бўлса ҳам, шу пайтгача уларнинг моҳияти, қиммати нуқтаи назаридан ўрганилмаган. Мазкур мўъжаз рисола Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижоди борасидаги илк тадқиқотларидан бўлиб, ўйлаймизки, ўқитувчи ва талабаларимиз ундан катта наф кўрадилар.

«XX аср ўзбек адабиёти». Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Назаров, У.Норматов, О.Шарафиддинов, «Ўқитувчи», 1999 йил.

Республика Таълим маркази умумий ўрта таълим мактабларидан ташқари ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчи, талабалари учун ҳам дастур, дарслик ва қўлланмалар яратиш билан шуғулланиб келмоқда.

Олий ўқув юртларининг бакалавр даражасини олувчилар учун тайёрланган мазкур дарслик ҳам шу йўналишдаги иш бўлиб, республиканинг таниқли педагоглари ва адабиётшунос олимлари томонидан нашрга тайёрланган. Моҳиятан янги ва бугунги кун талабларига жавоб берувчи бу дарсликда аср бошларидаги Миллий уйғониш давридан то шу кунгача бўлган адабий жараён, ўзбек адабиётининг XX асрда босиб ўтган тарихий йўли тўғри очиб берилган. Адабий ҳодисаларни, асарларни таҳлил этиш ва баҳолашда уларнинг ижтимоий қимматини назардан соқит қилмаган ҳолда, уларга санъат ҳодисаси сифатида ёндошилган, юксак бадиий мезонлар-ҳаққонийлик, гуманизм, теран маънодорлик, санъаткорона мўъжизакорлик асосида иш кўрилган.

Шунингдек, олий ўқув юртлари учун қуйидаги дастурлар ҳам чоп этилган.

«Адабиёт назарияси дастури». А.Каттабеков, РТМ, 1999 йил.

«Ўзбек адабиётшунослиги ва танқиди» дастури, Б.Назаров, А.Расулов, РТМ, 1998 йил

Адабиёт умумий ўрта таълим мактабларининг тажриба-синов бўйича махсус курс дастури. Қ. Йўлдошев, РТМ, 1999 йил.

Бу ижодий изланишларнинг барчаси мақоламиз ибтидосида айтганимиздек, болаларимизда адабиётга бўлган қизиқишни, ҳавасни тарбиялашдан иборат.

Назира ҒУЛОМОВА, РТМ бўлим мудири

БУГУНГИ ДАВР

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейинги йилларда таълимни ислоҳ қилиш бўйича кўпгина қарор ва қонунлар қабул қилинди, жумладан касбга йўналтириш ишларига ҳам жиддий эътибор берилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда касбга йўналтиришдан мақсад ўсиб келаётган авлодни касбни онгли равишда танлашга тайёрлашдир.

Касбга йўналтиришга ёшларнинг касбни эркин ва мустақил танлашининг илмий-амалий тизими сифатида қараш лозим. У ҳар бир шахснинг ҳам индивидуал хусусиятларини, ҳам халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назаридан меҳнат ресурсларини тўлақонли таъминлаш заруратини ҳисобга олиши керак.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун ҳозирги кун талаблари асосидаги ихтисосликлар классификаторининг йўқлиги; танлаш мезон ва меъёрларининг ишлаб чиқилмаганлиги; касб танлаш характери бўйича ахборотнинг мавжуд эмаслиги; танлаш натижалари бўйича тезкор алоқанинг ўрнатилмаганлиги каби камчиликлар бартараф этилмоғи лозим.

Касб танлаш учун ўқувчи ўз имкониятларини баҳолай олиш кўникмасига, яъни ақли, қизиқиши, ҳар хил касблар бўйича билими, бу касбларнинг имкониятлари, келажаги ҳақида ахборотларга эга бўлиши керак.

Шахсда касбга йўналишни шакллантириш махсус илмий-амалий фаолият орқали амалга оширилади. Ўқувчининг шахс сифатида шаклланиш босқичларида шахс ва жамият ягона бир тизим сифатида қаралади, ўтиш даврининг бозор иқтисодиёти муносабатлари талаблари инобатга олинади.

Касбга йўналтиришни шакллантириш касбий ахборот ва таълим-тарбия; ўқувчи қизиқишларини ўрганиб бориш ва маҳорат билан ўстириш; касбий маслаҳат; касб танлови; маиший-касбий мослашиш каби воситаларни ўз ичига олади.

Ушбу воситалар касбга йўналтириш мазмунининг асосини ташкил этади.

Ўқувчиларни касб танлашга тайёрлигини — когнитив (ахборотга эга эканлиги); касбга қизиқиш мезони; амалий мезон кўрсатади.

Касб танлаш (йўналтириш) бўйича алоҳида Давлат таълим стандарти бўлиши ва у қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

1. Ўқувчиларнинг касб танлашга йўналтиришга тайёрлашнинг ёш босқичлари мазмуни: а) кичик ёшдаги; б) ўрта ёшдаги; в) катта ёшдаги ўқувчилар.

2. Ёш босқичлари бўйича бошланғич (I-IV синфлар), ўрта ёшдаги (V-VII), катта ёшдаги (VII-IX) ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш мезон, кўрсаткич ва ўлчовлари.

3. Мактаб ўқувчиларининг касбга йўналтириш бўйича тайёрлигини кўрсатувчи тиббий-физиологик меъёрлар.

4. Турли ёш босқичларида ўқувчиларни касбга йўналтиришга тайёрлиги даражаси ўлчовлари.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш ёш босқичлари бўйича бошланғич синф ўқувчиларида қуйидаги мазмунга эга бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларини касбга йўналтиришдан асосий мақсад уларни меҳнат, касб турлари, йўналишлари билан таништириб бориш ва касб фаолиятига бўлган қизиқишни шакллантиришдан иборат.

Бунга эришиш учун меҳнат ва касблар олами ҳақида тафаккурни шакллантириш; ўз-ўзини баҳолай билиш малакаларига ўргатиш; интеллектуал ва ҳиссий-иродавий хислатларни ривожлантириш; реалистик жиҳатдан ўз-ўзини баҳолашни ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш зарур.

Бу ёшдаги болаларда принципиал аҳамиятга эга бўлган, яъни касбга йўналтиришда қуйидаги когнитив йўналиш кўрсаткичларини шакллантириш керак:

- ҳар хил фаолиятда иш жойини тайёрлаш қоидаларини билиш (дарсга нима керак, бир марталик топшириқни, уй вазифасини бажариш учун); меҳнат воситалари ва предметларини иш ўрнида жойлаштиришни; ўқув-ёзув қуролларининг қўлланилиши ва улардан фойдаланиш қоидаларини; ишнинг боришини аргументлаш, асослаш ва меҳнат операцияларини бажарилиш кетма-кетлигини тушуниш; ўз-ўзини текширишни, ўз меҳнатини ва ўртоқлари меҳнатини баҳолашни билиши керак.

Бошланғич синф ўқувчиларида касбга йўналтиришдаги амалиёт қуйидагиларда намоён бўлади:

- ўзининг шахсий буюмларига, ўқув қуролларига ва мактаб жиҳозларига эътиборида; нафақат яхши эътибор билан қараш ва зарур бўлганда таъмирлаш ишларини (елимлаш, тартибга келтириш) бажаришга интилишга; ҳар қандай ишни бажаришда интилувчанлиги, табиат, атроф-муҳитга ва унинг бойликларини сақлаш ва бошқаларда.

Касбга йўналтиришнинг омилкорона йўналиши бу ёшдаги ўқувчиларда ўз меҳнати натижаларидан эстетик жиҳатдан руҳланишида намоён бўлади. Меҳнатга эстетик эътиборининг йўналишида мотивлар турлича бўлиши мумкин. У ҳаракат қилишда, фаолликда, ўртоқлари билан алоқасида ва ишонч билдирилганлигидан қониқишида сезилади.

5-7-синф (ўрта ёшдаги) ўқувчиларини касбга йўналтириш мазмуни улардаги қизиқиш, лаёқат, шахс сифатидаги жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги тушунчалар ва касб танлаш кўникмасини шакллантириш зарурати билан белгиланади. Бўлғуси касбий фаолиятлар бу ёшдаги ўқувчилар учун ҳаётдаги ўз ўрнини аниқлаш ва тайёрлашда туртки, ўз шакллаиш имкониятларини очиши ва касб танлаши учун зарур бўлади.

Бу ёшдаги ўқувчиларда ижтимоий-психологик лаёқатлар, ўзи улғаяётганлигида, янги бир позицияда ўзига эътиборида, атрофга ва оламга муносабатида шаклланиши керак.

5-7-синф таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни

Mutaxassis minbari

қизиқишлари, изланишлари, лаёқати бўйича касб танлашга ва ҳаётда ўз ўрнини топишга йўналтирилади.

Бу ишлар реал меҳнат бозорини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

8-9 синф ўқувчиларида касбга йўналтириш ишлари мазмуни шахснинг маънавий хислатлари ва жамият олдидаги бурчи, жавобгарлик хислатларини шакллантириш билан ажралиб туради.

Бу эса уларда мустақиллик, ташаббус билан чиқиш, мустақил қарор қабул қилиш, ҳатти-ҳаракатлари натижасини билиши ва ўзининг фаолияти нимага олиб келишини сезиши билан белгиланади.

Бу босқичда шахснинг ўзига баҳоси, танқидий қараши, ўзини-ўзи таҳлил қилиши, ўз-ўзини бошқариши, тарбиялаши, ўзининг қизиқишини атрофдагиларники билан қўшиб олиб бориши принципиал муҳим аҳамиятга эга.

Бу жараён касб танлаш ва касбий фаолият тармоқларини билиш натижасидир.

8-9 синф ўқувчиларида олдинги босқичларда олган билимлари ва тажрибалари асосида қуйидаги йўналишлар бўйича касбий фаолият амалга оширилади: ўқув ва махсус фанларни чуқур ўрганиши асосида; диққатининг танланган фаолиятида касбий муҳим сифатларнинг шаклланишига қаратилишида; касбий режалари устидан назорат ва уларнинг асосланиш даражасини очиб беришда; касбий фаолиятга ўзини тайёрлаш йўллари, ўзига ташҳис қўйиш, натижаларни баҳолашда; ижтимоий-касбий кўникиш, касбни танлаш сабаблари, касбий йўналиш асослари шаклланишида.

Бундан ташқари касбга йўналтириш босқичлари бўйича меъёр ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилади.

Ўткир ТОЛИПОВ,
Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ докторанти

Ko'ngil bitiklari

ЭРКА КЎНГЛИМ ЕТГИН ОҲИМГА

Дилим осмонингдан жой бер шу жеча,
Осмон торлик қилди руҳимга.
Майли, тор осмонда қолсин вужудим,
Эрка кўнглим етгин оҳимга.
Ҳижрон қўшиғини бита бошладим,
Сарғайган япроқлар қўшилди менга.
Куйламаган куйимдан кулган армоним,
Тингла, шу зоримни айтаман сенга.

* * *

Ақлим олиб қўлларимдан тутганча ёр,
Етакладинг ҳижронимнинг кўчасига.
Бошим эгиб, тунлар бедор алла айтдим,
Ухлолмаган армонимнинг кечасига.
Сенга сўз дейишга қаламим ожиз,
Калима келмайди бурро тилимга.
Муҳаббат боғида мен енгмаган ҳис
Сен малҳам бўлурсан куйган дилимга.

Мунира МЎЙДИНОВА,
ТошДУ талабаси

ЯХШИ ҚОЛ, МАКТАБ

Ақлим таниб кўз очиб кўрган,
Бағримга қат қанот боғлаган.
Йўлларимга нурин таратиб,
Парвозимни тилаб чоғлаган,
Она мактаб, яхши қол энди.

Қўл узатсам етгудек кўкка,
Беғубор шод дўстларим кетар.
Болалигим бебошлигимни,
Қўмсаб ҳали соғинчлар тутар,
Она мактаб, яхши қол энди.

Синовларда тоблади тафтинг,
Маъно топдим ҳаёт йўлимга.
Бошинг тошдан бўлсин деб тилаб,
Гул сочасан ўнгу сўлимга,
Она мактаб, яхши қол энди.
Она мактаб, яхши қол энди!

Хадича ҲАЙДАРОВА,
Республика ёш саёҳатчилар маркази бўлим мудири

Anjuman

ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Биз уни қандай тушунамиз?

Янги педагогик технология, бу — қандайдир мавҳум, фаҳм-фаросат билан амалга ошириб бўлмайдиган «олис юлдуз» эмас. Уни яратиш, мавжудларини ўзлаштириш, албатта, ўзига хос мураккаб, узоқ давом этадиган жараёндир. Мазкур жараён ўқитувчининг педагогик маҳорат пиллапояларини босқичма-босқич эгаллаб, машаққатли меҳнатининг самараси сифатида ҳар бир муаллим эришиши мумкин бўлган камолот чўққисидир.

Асака шаҳрида бўлиб ўтган йиғилиш айнан шу мавзуда, яъни янги педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш ва оммалаштириш масалаларига бағишланди. Унда Андижон вилояти халқ таълими тизимининг раҳбар ходимлари, илғор муаллимлар, тажриба-синов майдончаларининг ўқитувчилари қатнашди. Меҳмонлар дастлаб меҳнат таълими, банк тизими, тилларни ўргатиш бўйича йўналишларга бўлиниб, шаҳар мактабларидаги машғулотларни кузатдилар. Ўзаро фикр алмашдилар.

Семинарда шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Дурбек Мўминовнинг педагогик технология, маҳорат, педагогик техника, ижод, амалий фаолият ва илмий-услубий изланишларга оид кенг таҳлилий маърузаси тингланди.

Йиғилишда билдирилган фикрлар назарий билимларга, амалий таклиф-мулоҳазаларга бой бўлди. Муҳими, муаллимлар ўз ишларига янада ижодий, илмий ёндашиши учун маънавий озуқа олдилар, ўзига хос малака оширдилар.

Семинар ишида вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Муҳиддин Мирзаев қатнашди ва ўз нутқида мана шундай йиғинларни ҳар бир туман ва шаҳарда туркум педагогик машғулот сифатида узлуксиз ўтказиб туриш лозимлигини таъкидлади.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз муҳбиримиз

БОЛАЛИК БАХТИ БЕКАМ БЎЛСА

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни... Ногоҳ ҳаёлимдан бир ўй кечди: Болаларни кимдан, нимадан ҳимоя қилиш керак?

Тошкент шаҳридаги 23 - меҳрибонлик уйи остонасидан кириб бораётганимизда бу саволларга жавоб топгандай бўлдим, гўё. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги биргина мана шу масканда 160 нафар бола тарбияланаётганини кўриб, ҳамма болалар ҳам болаликнинг бетакрор лаҳзаларидан баҳраманд бўлавермаслигига амин бўлдим.Демак, уларни аввало, бемеҳрликдан, «беъмани болалик»дан ҳимоя қилиш керак. Токи, ҳатто боладан воз кечиш «қудрати»га эга бўлган инсон суратидаги «инсон»лар бор экан, уларни ҳимоя қилиш шарт. Шу ўринда яна бир савол туғилади. Болаларни ким ҳимоя қилади? Қандай қилиб? Ҳурматли муштарийга ушбу саволлар жавобини бир тадбир тафсилида баён этмоқчимиз. Куни кеча Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасига қарашли Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш хизмати бошқармаси 23- меҳрибонлик уйида байрамона кеча уюштирди. Айни чоғда меҳрибонлик уйини ўз ҳомийлигига олган бошқарма ходимлари меҳрга муҳтож мурғак қалбларни шод айлаш мақсадида тўкин дастурхон ёзди. Ҳар бир болага алоҳида совға- саломлар улашди. Ушбу бошқарманинг тарғиботташвиқот бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Азиз ака Эрназаров ушбу тадбир юзасидан шундай фикр билдирди:

– Бугунги ишимиз болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланиб, бошқармамизнинг профилактик тадбирлар дастури асосидаги фаолиятимизнинг дебочасидир. Бу ерда тарбияланаётган болаларни бефарқ ота-она айби билан бахтсиз бўлиб қолишларидан сақлаш учун моддий ва маънавий кўмак беришга қатъий аҳд қилганмиз. Уларни эртанги мустақил ҳаётга тайёрлашга ҳисса қўшишни барча ходимларимиз қўллаб-қувватлайдилар. Истагимиз болалик бахти бекам бўлсин. Авлодлар давомчиси бўлган ҳар бир болага ота-она меҳри бир умр ҳамроҳ бўлсин. Ҳар куни байраму ҳаётлари, ҳуқуқлари ҳимояда бўлсин.

Меҳрибонлик уйи директорининг ўринбосари Ботир Пўлатовни эшитинг-а, унинг фикрлари ҳам сизни бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

– Муассасамизда 70 нафар ходим ўз ишини сидқидилдан адо этиб келаяпти. Улардаги меҳр сарҳадлари нафақат ўз фарзандлари, балки бу

ерда тарбияланаётган норасидаларни-да қамраб олиши билан қадрлидир. Болаларни кўриб турибсиз, дарвозамиздан ҳатлаб ўтган одамнинг эътиборини тортади. Улар катталар меҳрига, эркалашларига болаларча ташналигини ҳеч қачон яширолмайдилар. Давлатимиз улар учун шинам дам олиш хоналари, спорт майдончалари,чўмилиш ҳавзаси, беш вақт иссиқ овқат, кийим-кечак каби барча шарт-шароитларни яратиб берган. Лекин, начора буларнинг бари биргина ота-она меҳри аталмиш руҳий қувват ўрнини боса олмайди. Бу даргоҳда ҳам келажакка дахлдор болалар камол топаётганини эътиборга олсак, жамиятда болаларимизга эътиборни кучайтириш керак.

Дарҳақиқат, инсоният яралгандан буён пайдо бўлиб, сайқал топиб келаётган авлодлар ҳақидаги ғамхўрлик туйғуси бизнинг асримизга келиб ўзгача аҳамият касб этмоқда. Ер юзида рўй бераётган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар, айрим мамлакатлардаги болаларнинг ҳақиқий аҳволи бизни огоҳ бўлишга, болаларни ҳимоя қилишга даъват этади. Демак, болаларни ҳимоя қилиш – уларнинг оилада, тинч шароитда яшаш, билим олиш каби ҳуқуқларини ҳимоя қилиш десак янглишмаймиз.

Фахриддин КАРИМОВ
В.КИРИЛЛОВ олган сурат

Xullas...

ҚАРИЯЛАР ҚУВНОҚ СТАРТДА

Бу стартга иштирок этганларнинг энг ёши 60, энг қариси 80 ёшда. 90 ёшдагиси эса атиги битта. Наталья Логинова белгиланган масофага югуришда 60 ёшли «рақиби»ни доғда қолдириб, копток тепишда ҳам ўзини курсатди. Логиновадан кейинги ўринда 70 ёшли Ефросинья момо!

Қувноқ стартлар мусобақасида иштирок этган тюменлик қаҳрамонларимиз шу ёшга кириб, касал бўлиб ётишмаган, дори -дармон истеъмол қилмаганлар.

Сабаби эса, бадантарбия, совуқ сувга ювиниш, жисмоний меҳнат.

Ғолиб қарияларга белгиланган соврин: бир ойлик пенсия миқдорида пул!

ИНЖИҚ МАҲБУСЛАР

Жиноятга қўл урганлардан ҳар нарсани кутиш мумкин. Кельма шаҳрида турли сабабларга кўра, қўлга олинган ҳуқуқбузарлар хурмача қилиқлар кўрсатишда устаси фаранг бўлиб кетишган экан.

Безорилиги учун бу ерга келтирилган 29 ёшли эркак жон-жаҳди билан эшик тақиллатди. Табиийки, совуқ ва нимқоронғи хона жиноятчига ёқиб тушгани йўқ. Шурлик ҳожатхонага киришни истар, полициячилар эса ҳадеганда келавермасди.

Полиция ходими эшик қаршисида пайдо бўлиши билан маҳбус унинг бошига кучли зарба туширди.

Қўшни камерада ётган 23 ёшли талончи ўз венасини кесди. Сабаби куннинг иккинчи ярмида прокурор келиб, унинг норозилигини тинглаши керак эди. Афсуски, орган ходими ўз ваъдаси устидан чиқмай, маҳбуснинг бевақт улимига сабабчи бўлганидан бехабар.

САБРНИНГ КОСАСИ

Дарҳақиқат, сабрнинг косаси қанчада тўлади.

Чиниқмаган кишининг сабр-бардоши 17 кунгача етади. Кучли ирода эгалари 26-кунда очликдан жон беришлари мумкин.

Ҳайвонлар ҳам бу борада одамга тенглаша олади. Отлар 25 кунгача, итлар олти-етти ҳафтага қадар ҳеч нарса емай юришлари мумкин экан. Қуён бор-йўғи 15 кундан сўнг, денгиз чўчқаси 6 кундан кейин очликка чидай олмаслиги исботланган.

Рекорд кўрсаткич юмронқозиққа тегишли. У 2 йилгача ҳеч нарса емай, ўзинии ўзи эплаб юради. Мутлақ «чемпион» татахтакана бўлиб чиқди. У олти йилгача ҳеч нарса билан озиқланмаса ҳам тирик юраверади.

СОМОНХОНАГАЧА ЮГУРГАН «БУЗОҚ»

Алмисоқдан қолган «Жигули». Эгаси юргизолмай хуноб. Машина эгаси ёш йигитга ялинди: «Уғлим, сен рулга ўтир, мен итараман!».

Йигитча унинг илтимосини қондирди. Улов ҳам шуни кутиб тургандек, шитоб билан елиб кетди. «Ҳайдовчи» омад кулиб боққанидан юраги шошиб, «Жигули»ни боши оққан томонга ҳайдади.

ДАН ходимларида шубҳа уйғотган рулдаги йигит машинани эгасига қайтариб беришга мажбур бўлди. Бузоқнинг югургани сомонхонагача...

ana shunaqa gaplar...

«Маърифат» газетасининг 1999 йил 14 апрел сонида эълон қилинган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалавриат йўналишларининг фанлар мажмуаси бўйича дарсликлар ёзиш бўйича танлов муддати 1999 йил 1 июлигача узайтирилади.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар академиклицейи маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси шу лицей катта ўқитувчиси Шуҳрат Муҳамедовга онаси

Хадича ая МУҲАМЕДОВА

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Sport

ОМАД ҲАМИША КУЛАВЕРМАЙДИ

«Олимпиада – 2000» саралаш ўйинларида Қозоғистон футболчилари Ўзбекистон олимпиачиларига ўзларининг устунлигини амалда исботладилар. Қозоғистонда бўлиб ўтган беллашув 3:1 ҳисобида мезбонлар фойдасига ҳал бўлди.

УМУМЖАМОАМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича пойтахтимизда ўтказилган XII Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз 4 та олтин, 7 та кумуш ва 4 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгалладилар.

ТЕННИС: РАКЕТКАЛАР АЁЛЛАР ҚЎЛИДА

Тошкентда илк бор, 1999 йил 5-13 июнь кунлари пойтахтнинг «Динамо» спорт мажмуасида теннис кортларида аёллар ўртасида «TASHKENT-OPEN» халқаро теннис мусобақалари бўлиб ўтади. Бош ҳомийси Тошкент шаҳар ҳокимлиги бўлган ушбу теннис байрами ишқибозлар учун қизғин ва муросасиз беллашувларни тақдим этади деган умиддамиз.

ЎЙИНДАН КЕЙИНГИ ҲОЛАТ

Хабар берганимиздек, Европа чемпионлари лигасининг сўнгги учрашуви бутун немис халқининг руҳиятига ёмон таъсир этган. Футболнинг ашаддий фонатлари ҳали-бери майдонда бўлиши мумкин бўлган воқеаю ҳодисаларга ўзларини кўниктиролмайдиганга ўхшайди. Бу тушкун кайфият ҳатто ишлаб-чиқаришга ҳам жиддий зарар етказиши мумкин.

МИШЕЛЬ ПЛАТИНИДАН СОВҒА

ЎзДЖТУ таржимонлик куллиёти талабаси А.Зоирова футболга бўлган катта қизиқиши билан дугоналари ичида ажралиб турарди. Ўтган йили Жаҳон Чемпионатини Франциядa ўз кўзи билан кўриб келган бу қиз яқинда мазкур чемпионатнинг ташкилий қўмитаси ҳам раиси, машҳур футболчи Мишель Платинидан мактуб ва чемпионатнинг расмий тўпларидан бири эсдалик совға сифатида қабул қилиб олди.

maydonchasi

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Японияннинг «Микаса» кубоги учун ўтказилаётган халқаро аёллар турнири якунланди. 26 май куни очилган бу турнирда Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия ва Японияннинг волейболчи қизлари ўз маҳоратларини тўрт кун давомида намойиш этишди.

Турнир очилишидан аввал, Япония ва Қозоғистон жамоалари мусобақани бошлаб беришди. Қизиқарли ўтган бу беллашувда Японлар 3:1 ҳисобида ғолиб бўлишди. Ўйиндан сўнг бўлиб ўтган матбуот конференциясида Япония жамоаси бош тренери Койджи Хамада бу турнирга Ўзбекистон яхши тайёргарлик кўрганлигини, хизмат кўрсатиш юқори савияда эканлигини айтиб ўтди.

Турнирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Мақситов нутқ сўзлади. Шундан сўнг «Микаса» компанияси директори Хироюки Такижири жаноблари ҳам Ўзбекистон ва Япония алоқалари ҳақида илиқ фикрлар билдирди.

Очилиш маросимидан сўнг майдон эгалари ва Қирғизистон жамоалари майдонга тушдилар. Ғалаба ўзбекистонликларга ёр бўлди.

Турнир қизиқарли ва шиддатли баҳслар билан ўтди. Халқаро «Микаса» кубоги ўзбекистонлик волейболчи қизларга насиб этди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Суратларда: турнирдан лавҳалар.
Ольга Лысенко олган суратлар.

ОЛТИН ДАВРНИНГ ОЛТИН ЛАҲЗАЛАРИ

Ёшлик – зангор фасл, у ўзининг интилишлари, гўзалликка бойлиги, тиниб-тинчимаслиги, шўхлик ва шодликларга тўлиқлиги билан доимо баланд парвоз қилади. 25-30-май кунлари Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг спорт мажмуаси талаба-ёшлар билан ниҳоятда гавжум бўлди.

Ура, ура... гол,гол... қарсаклар садолари узоқ-узоқларга эшитилиб турди. Оқ, кўк, яшил рангдаги байроқларнинг майдон бўйлаб илиб чиқилганлиги, турли хил даъваткор шиорлар, ўйингоҳ майдонларининг байрамона ясатилганлиги ҳар бир қатнашувчи ва томошабинда хушкайфият уйғотди.

«Ёшлар» радиоканали «NESKAFE» қўшма корхонаси ҳомийлик қилган спорт айёмида республика пойтахти ва вилоятларидан 19 та олийгоҳ вакиллари қатнашди. Илк бор ўтказилаётган универсиадани олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Камолот» жамғармаси, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ташкил этди.

Талабалар спортнинг 5 тури — баскетбол, қўл тўпи, стол тенниси, шоҳмот ва мини футбол бўйича беллашдилар.

Мусобақалар қизғин курашлар остида ўтди. Ғолиблик осонлик билан қўлга кирмади.

Марҳамат, ғолиблар билан танишинг:

Стол тенниси бўйича
1- ўрин ТошДТУ
2 - ўрин ЎДЖИ ва ДУ
3 - ўрин ТошДТУ

Қўл тўпи бўйича эркаклар ўртасида
1 - ўрин ТошДУ
2 - ўрин ФарДУ
3 - ўрин ҚарДУ

Қўл тўпи бўйича аёллар ўртасида
1 - ўрин ТошДУ
2 - ўрин ТошАграр У-ти
3 - ўрин Термиз У-ти

Шоҳмот бўйича
1 - ўрин СамДУ
2 - ўрин ТошДУ
3 - ўрин НамДУ

Баскетбол бўйича аёллар ўртасида
1 - ўрин СамДУ
2 - ўрин БухДУ
3 - ўрин НукусДУ

Баскетбол бўйича эркаклар ўртасида
1 - ўрин БухДУ
2 - ўрин Тош ирригация и-ти
3 - ўрин ТошДУ

кичик футбол бўйича
1 - ўрин Тош ДТУ
2 - ўрин Тош Пед и-ти
3 - ўрин Тош аграр У

Совринлар тантанали равишда топширилди. Универсиадани анъанавий ҳолда давом эттириш учун эстафета таёқчаси Наманган Давлат Университети ректорига топширилди. Навбатдаги универсиада гуллар шаҳри бўлмиш Наманган университетида келгуси йили ўтказилади.

Зарбуви АЛҚАРОВА,
журналист

«БИЗГА ДИЙДОР КЕРАК...»

20 йил тарих учун сувдан томчи. Лекин инсон умри учун салмоқли сана. Негаки, 20 йилда бир йигит вояга етади. Яқинда Юнусобод туманидаги С.Калонов номли 96-мактабни 1979 йилда битирган ўқувчилари мактабларини, ўқитувчиларини, синфдошларини соғиниб, эслаб мактабга ташриф буюришди. Йигирма йилдан кейинги учрашув, дийдорлашув барчани қувонтирди. Ўша куни мактаб байрамона безатилди. Собиқ ўқувчилар азиз устозларини ҳурматлаб, уларга иззат-икром кўрсатишди. Бугунги кунда қарилик гаштини сураётган ўқитувчилар 1979 йилда мактабга раҳбарлик қилган Т.Ёқубжонов, илмий мудир Н.Қосимова, 10 -«а» синф раҳбари Ҳ.Қодировалар собиқ ўқувчиларини кутиб олар эканлар, баъзи ўқувчиларини ҳатто танимадилар ҳам. Ўқувчиларнинг ҳам ўз синфдошларини кўрганликларидан, улар билан ҳамсуҳбат бўлганликларидан мамнунликлари юз-кўзларидан билиниб турарди. Катта кишиларнинг парталарда кичик ўқувчилардек ўтиришлари, ўтган яхши-ёмон кунларни эслашлари киши дилини орзиқтириб юборар экан.

Мактаб ўқувчилари ўз акаопаларини байрамлари билан қутлаб, улар учун куй-қўшиқлар ижро этишди. 1979 йилда мактабни битирган 90 нафар ўқувчининг барчаси бугун жамиятда ўз ўрнига, ўз мавқеига эга бўлган кишилар. Улар ўз сўзларида ўқитувчиларидан миннатдор эканликларини изҳор этишди.

Бу учрашувнинг ташкилотчиси эса Муҳаббат Аъзамова эканлигини алоҳида айтиб ўтиш керак. Кенг ва тўкин дастурхон атрофига йиғилган барча-барчани кузатар эканман, шоирнинг «Бизга дийдор керак, дунё керакмас» мисралари хаёлимга келди. Дийдорлашувга нима етсин.

Баходир ХУРСАНОВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саййидолим АБДУРАҲМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0457. Тиражи 47.450.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 19.30.